

Анжуман

ННТлар:

**АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА "Ўзбекистонда нодавлат
нотижорат ташкилотларининг жамият ҳаётидаги
ўрни ва ривожланиш истикболлари" мавзусига
бағишланган анжуман бўлиб ўтди.**

Шу билан бирга бу соҳанинг институционал базиси ҳам шакллантирилди. Жумладан, Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Республика байналмилал маданият маркази, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат тоҳиротар ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Ўзбекистон нодавлат тоҳиротар ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамияти шаклланишнинг мониторинг қилиш муастолик институти ташкил тоиди.

Нодавлат нотижотдор ташкилотларининг қўлай фаолият курастиси учун бир чанак имтиёзлар берилди. Жўмладан, юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи, сўв ресурсларидан фойдаланганлик учун, мол-мулкига солинадиган солиқ, ер солиғи ва бошқа солиқлардан, шўнингдек, нодавлат нотижотдор ташкилотларини ўз ҳўқўқлари ва қўнийи маффаатларини бўзидиган давлат органларининг гайриқўнийи қарорлари, улар мансабдор шахсларининг гайриқўнийи ҳаракатлари (ҳаракатсизлиғи) устидан судга шикоят қилганда давлат божни тулинишидан озод этилди.

“Мамаляктагимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” да белгиланган ислохотлар натижасида ННТ тизимини кенг ривожлантириш, уларни ташкил этиш ҳамда фаолиятини йўлга қўйиш имконияти яратилди. Шунингдек, ННТлар учун қонунчиликдаги айрим ташкилий-ҳуқуқий механизм ҳамда тартиб-таомилларни тақомиллаштириш ва соддаштириш мақсадида Президентимизнинг 2013 йил 12 декабрдаги **“Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қўмаклашиш бора-сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Қарори қабул қилинди.

Тадбирда мазкур Қарор ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар аниқ мисолларда кўрсатиб ўтилди.

Хусусан, рўйхатдан ўтказиш соҳасида ҳужжатларни расмийлаштириш тақомиллаштирилди ҳамда тўлов миқдорлари камайтирилди.

Бу эса фуқаролик жамияти ва институтлари билан боғлиқ ихтиёрий муносабатларнинг ривожланиб боришига катта рағбат бермоқда. Агар 2000 йилда ННТлар сони 2585 та, 2010 йилда эса 5100 дан зиёд-ни ташкил қилган бўлса, бүгунги кунда бундай тузилмаларнинг сони 8500 дан ошди ва улар турли йўналишларда фаолият юритиб келмоқда.


Бугунги кунда Адлия вазирлиги томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш соҳасида ҳуқуқий ислохотлар давом этмокда.

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси жорий йилнинг 25 апрелида парламент томонидан қабул қилинди. Шунга таъкидлаш кераки, ННТлар Адлия қазиларлиги учун фақат назорат объекти эмас, балки энг фаол ҳамкорлар ҳисобланади.

Адлия вазирлиги ва бошқа тегишли ташкилотларга юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, шунга айтиш мумкинки, ННТлар соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ислохотлар бундан буён ҳам давом этади.

**Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати**

✓ Кўзгу



қабул қилинганлиги давлат тилининг устувор ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Фуқароларга давлат тилини ўқитиш бепул амалга оширилади. Давлат тили расмий амал қиладиган доираларда ўзбек адабий тилининг амалдаги илмий қоидалари ва нормаларига риоя этилади. Давлат

ўзбек тилини ҳамма эъти-
роф қилган илмий-техни-
кавий ва ижтимоий-сиёсий
атамаларни жорий этиш
ҳисобига бойитилиши ва
такомиллаштирилишини
таъминлайди. Янги илмий

асосланган атамалар жамоатчилиги муҳокамасидан кейин ва Олий Мажлис палаталари тегишли қўмиталарининг розилиги билан ўзбек тилига жорий этилади. Ўзбекистон Республикасининг қонунилари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг бошқа ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинади ва эълон қилинади. Бу ҳужжатларнинг таржималари бошқа тилларда ҳам эълон қилинади. Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинади ва эълон этилади. Муайян миллат вакиллари зич яшайдиган жойларда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳужжатлари республика давлат тилида ҳамда мазкур миллат тилида қабул қилинади ва эълон этилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида иш давлат тилида юритилади ва заруриятга қараб бошқа тилларга таржима қилиниши таъминланади. Ўзбекистонда ўтказиладиган халқро аюанларда давлат тили, шунингдек, катнашчиларнинг ўзлари танлаган тиллар аюманнинг иш тили ҳисобланади.

2

Юртимиз бозорлари — ободлик тимсоллари!

ХАЛҚИМИЗ қадим-қадимдан нафақат эзгу аъёнлари, боқий қадриятлари, меҳмоннавозлиги, балки шарқона бозорлари ва улардаги минг даргда даво сархил нозу неъматлари билан дунё ахлини ром этиб келган. Зеро, жаннатонанд юртимиз бозорларининг ободлиги, маҳсулотларининг мўл-қўллиги ва нарх-навонининг арзонлиги ҳам мамлакатимиз иқтисодий қудратининг ёрқин ифодасидир. Айниқса, бутун юртимиз деҳқон бозорларига қирган киши йилнинг тўрт фаслида ҳам бозор пештахталари содифеҳк терилган сархил ранглардаги мевасабзот, полиз маҳсулотлари билан тўла эканлигининг гувоҳи бўлади. Айни пайтда эса ёз фасли ўз таровати ва саховатини намойён этмоқда. Чунки болларда пишиқчилик бошланган, мевалар болга тўлган. Бу ризку насибамиз бутунлиги, дастурхоналаримиз тўқиллиги белгиси бўлиб, уларнинг шифобахш хусусиятлари заминимизнинг бетакор, беқийс ва беминнат эканлигидан далолатдир.



Хизмат бажарилган

аммо ҳақ тўланмаган эди

ҲОЗИРДА тadbirkorлар фаолиятига ноқонуний аралашувларни тезкорлик билан аниқлаш ва уни бартараф этиш мақсадида “Текширишларни рўйхатга олиш китоби”га қайд этишнинг онлайн-электрон тизими жорий этилгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур тизимнинг тўлиқ ишга туширилиши билан ўтказилаётган ҳар бир текширишни самарали мониторинг қилиб бориш имконияти яратилади.

Хисобот даврида вилоятдаги 453 та тадбиркорлик субъектининг "Текширишларни рўйхатга олиш китоби" мониторинг қилиниб, назорат қилувчи идоралар томонидан жами 76 тага яқин ҳолатда (солиқ идоралари 49 та, ДСЭНМ 16 та, ИИБ ЕХБ 11 та) китобни тўлдириш қоидаларига риоя этилмаганлиги аниқланди.

Мазкур қоидабузарликларни бартараф этиш ва келгусида уларга йўл қўймаслик мақсадида тегишли идораларга 24 та тақдимнома ҳамда 65 та огоҳнома киритилди.

Бундан ташқари, тадбиркорлар манфаатлари суд тартибида ҳимоя қилиниши таъминланиб, судларга 534,5 миллион сўмлик 58 та даъво аризаси киритилди.

Мисол учун, Гулистон шаҳридаги якка тартибдаги таъдиркор "Орзу савдо сервис" хусусий корхонаси раҳбари У.Қодировнинг "Сирдарёнахасаноат ҳудудий филиали" МЧЖ томонидан шартномага асосан транспорт хизмати учун ҳақ тўланмаётганлигидан норози бўлиб қилган мурожаатига асосан ҳужжали судига таъдиркор мандаати учун даъво ариза қиритилиб, унга асосан 131,2 миллион сўм маблага ындириб берилди.

Хулоса қилиб айтганда, республикадаги тадбир-корликни ривожлантириш, тадбиркорларнинг ишон-ли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, бу йўналишда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг маъ-мун-муҳиятини тўғри англаган ҳолда амалда тўлиқ ижросини таъминлаш эди — нафақат бунинг учун масъ-ул бўлган давлат идоралари ва мансабдор шахслар-нинг, қолаверса, ҳар биримизнинг устувор вазифа-масъул эканлигини ёдимиздан чиқармаслигимиз лозим.

Анвар НОРҚЎЗИЕВ,
Сирдарё вилоят адлия бошқармаси
масъул ходими

Миллий матбуот марказида

**O'ZBEKISTON MILLIY
MATBUOT MARKAZI**



**NATIONAL PRESS-CENTRE
OF UZBEKISTAN**

15 ИЮНЬ. “Фонд бозорини модернизациялаш — замон талаби” мавзuida матбуот анжумани ташкил этилди. Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларининг қимматли қўғозларига аҳолининг ишончи ошиб бораётганлиги ва бўш пул маблағларини қимматли қўғозлар сотиб олиш орқали қўшимча даромад манбаини яратишга интилаётганлиги натижасида фонд биржасининг умумий савдо айланмасида жисмоний шахслар улуши 25 фоизгача ошиб, ўтган беш ойда 25 миллиард сўмгача етганлиги муҳокама қилинди.

16 ИЮНЬ. “Банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари кўллаб-қувватлаш борасида амалга ошириладиган ислохотлар ва белгиланган устувор вазифалар” мазмунда матбуот анжумани бўлиб ўтди. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан ташкил этилган тадбирда соҳадаги ютуқ ва камчиликлар муҳокама қилиниб, банк томонидан кичик бизнес субъектларига жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига ўтган йилнинг шу давriga нисбатан 1,3 баробарга оширган ҳолда — 460 миллиард сум миқдорда кредит маблағлари ажратилгани, 2016 йилнинг якунига қадр яна 650 миллиарддан ортиқроқ кредитлар ажратишни ўз олдига мақсад қилгани тасдиқланди.

Мадина ҲАМДАМОВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири

...АНЧА йиллар муқаддам матбуотда чоп этилган олмонийлик бир олим инсон хулқ-атворининг унинг дастхоти орқали аниқлашда ҳақиқатда хабар анча шов-шуга сабаб бўлди. Энди билсак, инсон табияти, хулқ, ахлоқи-ни беҳато аниқловчи бу каби усул ва воситалар озмунча-маскан. Хусусан, инсоний одоб-ахлоқ жиҳатлари ҳатто эғнимиздаги либосларда ҳам намоён.

Инсон табияти турфа хил. Қўллар одми кийинади, оддий, камтарин, камсукун инсонлар тоифасидан эканлигини шу аснода намоён этилади. Бошқа бировлар эса обрў-нуфузи қимматбаҳо либослару безаклар, турфа тақинчоқлардан ишлашади. Қадриятларимиз, миллий урфларимизга ёт, гализ ва ғалат кийимлар пировардида инсонни ахлоқсизликка, номусоиб хулқ-атворга етаклаётганига гувоҳ бўлаялми. Ачинарлиси, баъзиларни ўзига ром этган "йиртиқ-ямоқ", тан яширмас хуржун мисол "либос"лар бора-бора жаҳон ахли эътироф этган гўзал шарқона урфларимиз, кийиниш маданияти бобида эришган ютуқларимизга соя ташламангизлига кафолат йўқ. Халқимизнинг азалий ва миллий, маънавий турмушига бўлган ҳавф, таҳдиди ҳам шунда кўрамиз.

Шарқона урфларимизга ёт ва номусоиб тор, калта ёхуд аксинча керагидан ҳам узун кийимлар мода "банд"ларининг ўзларига ёқар, аммо уни кўрганларнинг юзи уятдан қизариши турган гап. Факт ва далилларга қараганда, бу каби кийимлар инсон соғлиғига салбий таъсир ўтказар экан.

Баҳодир ИСМОИЛОВ,
тиббёт фанлари
номзоди:
— Кузатишларга кўра, ғарбона маданиятнинг айни пайтдаги намуналари нафа-

кат инсон хулқ, одоб-ахлоқи, балки соғлиғига ҳам жиддий таҳдид солади. Бу каби кийимларни кийганларнинг танаси кўпича нотўқис ривожланади, минтақамизнинг табиий-иклим шароити эса бундай либосдаги одамни турли хасталикларга етаклайди. Тор шим, белбоғ каби бадани сиқувчи матоҳлар қон томирлари фаолиятини сусайтиради, варикоз касаллиғига сабаб бўлади, аёллар баданида қоннинг димланиши, бе-пуштлиқ сингари нохуш ва оғир оқибатларни юзга келтиради. Йилнинг турли фаслларида бошланг юриш одати ҳам бизга "оммавий маданият" ўлкаларидан кириб келган. Юртимиз об-хавоси эса кескин ўзгарувчан. Қишнинг изгиринли совуғи-ю, ёзнинг жазирама иссиғида бош кийимсиз юриш — ўзини ўзи хасталикка гирифтор этиш билан баробар.

Аждодларимиз бу каби ҳолатларнинг барики назарда тутишган. Шарқона миллий маданият ва салохиятдан дарак берувчи кийимлибослар ота-боболаримиз, она-момоларимиз эғнида беҳиз пайдо бўлмаган. Минтақанинг ўзига хос табиий-иклим шароити, об-хавосига мос кийимлар доимо соғлом ҳаёт, узоқ умр гарови ва албатта, юксак турмуш намунаси бўлиб келганлигини ҳозирги авлод билиши лозим.

Маънавиятимиз муаммолари

Ахлоқ тарозуси



Санжарбек ДАВЛАТОВ,
Ўрган давлат
университети
Маънавият ва
маърифат ишлари
бўйича проректори,
тарих фанлари номзоди:

— Инсон кийимдан, ава-ламон, турли ташқи ва ички омиллар, бир тарафдан об-хаво, иқлим таъсиридан ҳимояланиш, иккинчи тарафдан андиша, уят, истиқола билан боғлиқ инсоний туйғуларни амалда бажо келтириш мақсадида фойдаланиши даркор.

Айни пайтда у инсон жисмига зийнат, гўзаллик, самимий қиёфа бағишлагани зарур. Кийим-кечака бўлган эҳтиёж инсон онгига тафаккур туйғу-ни уйғонган илк асрлардаёқ пайдо бўлган. Кийимни маданияти жинс, ёш, фасл, миллат, урф-одат, касб-кор, замон ва тараққиёт босқичлари билан ҳамбарчас боғлиқ. Қадимда модаларимиз кенг, узун ва табиий тола-лардан тўқилган матолардан қўйлак кийишган, чунки кийим ибодат-ҳаёли аёлларимиз қоматини бегона кўзлардан

яшириши ва ташқи таъсирлардан ҳимоя қилиши лозим бўлган. Бугун биз айрим ёшларимиз эғнидаги ярашқисиз ва беҳаёликдан далолат берувчи кийимлар, турли лаш-лушлар, ажи-бужи пардоз ва миллий урфларимизга хос бўлмаган соч турмакларига шунчалик қўниқиб қолдикки, улар энди ортиқча ҳайратлангирмай ҳам қўйди.

Кийим инсон аслида қим-лиги, дунёқарши, эстетик диди, фаросат даражаси, ҳа-токи, феъл-атвори ҳам ан-галатувчи ойнадир.

Яқинда Россия телеканалларидан бирида биз — ўзбекистонликлар учун гурури бир манзара намоиш этилди. Тасвирда ривожланган Ғарб дунёсига мансуб сайёҳнинг ўзбекиона миллий либосда Москва кўчаларини кезаётган бир оилавий жуфтликнинг видео тасмага тушириб берилган манзараси акс этган. Қадимий ва навиқон Хивада эса бундай манзарани ҳар дақиқада кўришингиз мумкин. Буларнинг бари ўзбекиона гўзал қадриятларининг жаҳон саҳна-даги қадр-қиммати ва эъти-рофидан бир нишона.

Рустам ҚУТЛИМУРОДОВ,
меҳнат фанлари:

— Биз — кексалар неча-неча асрлар мобайнида шаклланиб келган кийим намуналари қўрқовида вояга етганмиз. Миллийлигимизга ёт бўлган кийимлар эса турмушимизнинг оддийгина талабларига ҳам жавоб бера олмайдди. Ҳорик андазаларида бундай кийимлар урф-одатларимизни қамситишдан ташқари юртимиз иқлими, об-хавоси, экологик муҳит учун ёт ва зарарли эканлигини олиму шифокорлар ал-лақонан тасдиқлаб беришган. Барча ёшлар ушбу андазалардаги кийиму тақинчоқлар-

нинг қўли бўлиб қолди, деган фикрга қўйшолмайман. Негаки, намунали қўли, ахлоқи, одобига хос тарзда кийинган, ақл-тафаккури ва маданий дунёқарши теран ёшлар кўпчиликини ташкил этади. Истиқлол замонамиз шундайларнинг кучи ва салохияти туйғу-ли юксалмоқда. Лекин бу кўпгил хотиржамлигига асос бўлмаслиги. Чунки иллат яшовчан ва кўпаявчан. Жимгина кузатиб турсак, биринчи касри унга уриши, тақлидчи-лик, ғаж-ғаросатсизлик, кўр-қўрона хатти-ҳаракат до-мига тушганлар сони кескин кўпайиши турган гап.

Бундай қўсурларни таъ-сирчан тарбия воситасида бе-малол жалбловса бўлади. Жа-миятда шахс эркинлиги сўзсиз-тан олинмиш даркор. Аммо ҳақ-ҳуқуқлари эътироф этил-ган шахс ҳам, ўз наватиди, жамоат одобига итоат этмоғи шарт. Баъзи йигитлар учун "сартарошхона" билан "гўзал-лик салони"нинг фарқи қол-маётганига гувоҳ бўлаялми. Бу — ачинарли ҳолат. Аёлни латофат, гўзаллик тимсоли, деб қарайдиган, уни гул-че-чакларга менгайдиган баъзи йигитларимиз неча энди бу сифатларни ўзларига олиша-пти? Бозорларда аёлларнинг "оммавий маданият"га мос ли-бослари, жумладан, ички ки-йимларини ҳам баланд овоз-да мактаб-мактаб сотаётган норғул йигитлари ким, деб атамоларимиз? Баъзи чет э-лиқ спортчилару, қўшқичи-ларнинг сурати туширилган ёки номлари қайд этилган кийимларда намоён бўлаёт-ганларини-чи?

Ҳамюртларимизнинг қу-йинчақлик ва дахлдорлик туйғуси-на айтган бу сўзла-рига уларнинг шахсий фир-мулоҳазалари, деб қарамас-лик, аксинча, бутун эл аҳли-

нинг кўпгил истаги, хоҳиш-иродаси ўрнида қабул қилмоқ лозим.

Жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси "оммавий маданият"-нинг кийим-кечакларга муҳр-ланган совуқ турки ортидаги ҳавф-хатарни янада чуқур ва равшан англамоқлари керак. Кўп сонли тикувчи-бичувчи-лар, дизайн соҳаси ҳодими-лари, мутасадди тадбиркору омилкорларга ҳам айтар сўзимиз бор. Дунёга ўзбек либосларини кенг ёйишдек маъсулиятли вазифани шу соҳа ҳодимларига қўйил-латиб урдадлашлари мумкин. Бу жараёнда ҳаридорлар, ми-жозу, буюртмачиларга ҳал-қимиз табияти, иқлим шаро-итига хос ва мос андазалар-даги либосларнинг тавсия этмоқ, уларнинг фойдали жи-ҳатлари хусусида батафсил маълумот беришга одатлан-моқ мақсадга мувофиқдир.

Кўп бора кузатганимиз, жа-ҳондаги бир қатор нуфузли юртлар, хусусан, Ҳиндистон, Покистон, Араб, Африка, Ло-тин Америкаси мамлакатлари, ҳатто Исроил, Корея ва Япо-нидек тараққий топган дав-лат фуқаролари кўпича мил-лий либосларда юришади, ҳатто энг нуфузли халқаро аи-жумаларга ҳам шу либослар-да борилади. Ўзбекиона мил-лий кийимларимизнинг улар эғнидаги либослардан асло кам жойи йўқ. Ўз гуруримиз, миллий ўзлигимизни бош ва эғнимиздаги ўзбек дўпписини, чопони билан намоиш этмас, шу туйғу билан юрт кезас, шу аснода эғнимиз шон-шўҳ-ратини янада оширишга ба-ҳори қудрат улуш қўйсак айни муддао бўлмаслигимиз?

Абдулла СОБИРОВ,
Ўзбекистон
Республикасида хизмат
кўрсатган журналист

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ҳамкорлиги: меморандум ижроси

Тадбиркор фаолиятидаги назорат унинг ҳуқуқий асослари

СЎНГТИ йилларда давлатимиз жамият манфатларини кўзлаб, қонун-ларга риоя қилишни таъминлаш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан давлат назоратини амалга ошириш юзасидан қатъий тартиб ўрнатиб келмоқда. Текширишлар доирасида, шакллари, усуллари, тартиби фаолияти текши-рилатган ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқларининг кафолатлари белгиланган бўлиши ва уларга риоя қилиш устидан назорат ўрнатилди.

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан давлат назорати деганда, тижорат ва нотижорат ташкилотлари томонидан тадбиркор-лик фаолиятини амалга оширишда норматив-ҳуқуқий ҳўжатлар талаби-га риоя қилиниши устидан текши-риш ва кузатиш тизими тушунилади. "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фа-олиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 3-мод-дасида "назорат қилувчи органлар", "текшириш", "муқобил текшириш", "назорат тартибидида текшириш", "мо-лия-ҳўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш)", "текширишларни қайд этиш дафтери" тушунчалари таъ-рифи беришган. Лекин қайд этиш ке-ракки, Қонунда "қисқа муддатли текши-риш", "комплекс текшириш", "режа-дан ташқари текшириш" тушунчалари-нинг таърифи келтирилмаган, ва-ҳоланки, қонунда ушбу текшириш тур-лари назарда тутилган, амалиётда ҳам мавжуд. Ушбу тушунчаларнинг на-зарий таърифларини юридик адаби-ётларда учратишимиз мумкин. Маз-кур тушунчаларнинг ҳам қонуний таъ-рифларини қонунда белгиланган қўйиш амалиётда учраши мумкин бўлган ту-шунмовчилик ва турли хил талқин қилиш ҳолатларининг олдини олган бўлар эди.

Шундай қилиб, қонун ҳўжатла-рига кўра, **текшириш** — ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунлар ҳамда ўз фаолиятини тар-тибга солувчи бошқа қонун ҳўжат-лари қандай баҳарлаётганлигини назорат қилувчи органларнинг бир марта назорат қилишидир. Текши-ришлар режалли, комплекс, режадан ташқари, қисқа муддатли, муқобил, тафтиш ва назорат тартибидида бўли-ши мумкин.

Назорат қилувчи органлар — ҳўжалик юритувчи субъектлар фа-олиятини давлат томонидан назорат қилишга қонун ҳўжатлари билан ва-колат берилган вазирликлар ва идо-ралардир. Муқобил текшириш эса — операциялар билиги туйғайли ўзаро боғлиқ бўлган ва турли ҳўжалик юри-тувчи субъектлардаги ёки бир ҳўжа-лик юритувчи субъектнинг турли бў-линмаларидаги ҳўжатларни таққос-лашдан иборат текширув ҳисобла-нади. Назорат тартибидида текшириш — ҳўжалик юритувчи субъектларнинг илгарги текширишда қўрсатилган қоидабузарликларни бартараф эти-ш устидан назорат қилувчи орган-лар амалга оширадиган текшириш-дир. Тафтиш — молия ва солиқ ма-сваллари бўйича қонун ҳўжатлари-га риоя этилиши, солиқ, давлат ста-тистика органлари ҳамда банклар-га тақдим этиладиган ҳисобга олиш

амалга оширилиши мумкин.

Қонун ҳўжатларида қайд этилган-дек, тадбиркорлик субъектлари фа-олиятини текшириш ваколатли назо-рат қилувчи органлар томонидан ре-жалли ва режадан ташқари текшириш шаклида амалга оширилади. Режалли текшириш — назорат қилувчи орган-лар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши тасдиқлаган режа-жадвал асосида ўтказиладиган текширишдир. У асосан комплекс тар-тибда, яъни бир вақтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ назорат органлари иш-тирокида амалга оширилади. Режадан ташқари текшириш эса юқоридида таъ-кидланганидек, назорат қилувчи органлар томонидан уларга тадбир-корлик субъектлари томонидан қонун-лар ва бошқа қонун ҳўжатлари бу-зилганилиги тўғрисида қўйимча маъ-лумотлар тушганида ва қонунчиликда қўрсатилган бошқа ҳолатларда Кен-гаш ва унинг ҳудудий комиссиялари-нинг тегишли руҳсати асосида амалга оширилади. Қисқа муддатли текши-риш эса режадан ташқари шаклда ўтказилиб, назорат қилувчи органлар томонидан бир иш қўни давомиди, тад-биркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга оширилади.

Таъкидлаш лозимки, Президенти-мизнинг 2015 йил 15 майдаги "Ҳу-сусий мулк, кичик бизнес ва ҳу-сусий тадбиркорлиқни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, улар-ни жадал ривожлантириш йўлида-ги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва 2015 йил 20 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳўжатларига ҳу-сусий мулкни, тадбиркорлик суб-ъектларини ишончли ҳимоя қилиш-ни янада қўлайлаштириш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимча-лар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан давлат рўйхатидан ўтказиш, биз-нес юритиш тартиби, назорат, ҳўқуқи муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабатлар-дан тартиб то уларнинг ҳўқуқ ва қонун-ий манфатларини ҳимоя қилишга, шунингдек, жаҳобарлиқни эркинла-штиришга қадар тадбиркорлик суб-ектлари фаолиятининг деярли барча жи-ҳатларига даҳл қиладиган 40 дан ортиқ қонун ҳўжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилдики, бу ма-млакатимизда иқтисодиётни либерал-лаштириш, бошқарувнинг бозор та-моийллари ҳамда механизмларини жорий қилиш, янада қўлай ишбилар-монлик муҳитини яратиш, кичик биз-нес ва ҳусусий тадбиркорлиқни ри-вожлантириш йўлидаги ортиқча бо-роқратик тўсиқ ҳамда говларни бар-тарф этиш борасидаги ислохотларни янги босқичга қўтаришда мустақам ҳўқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Гулноза ИСМОИЛОВА,
Олий ҳўжалик суди қатта
маслаҳатчиси

Банкротлик тушунчаси ва бу борада айрим фирмулоҳазалар

МАМЛАКАТИМИЗДА бозор иқтисодиёти шароитида ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлиги муҳим аҳамият касб этади. Бироқ корхона иқтисодий ва молиявий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолса, у банкрот бўлиши табиий ҳодир. Банкротлик деб эътироф этиш шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелдаги "Банкротлик тўғрисида"ги Қонунда белгиланган берилган. Таъкидлаш жоизки, ушбу Қонун нормалари давлат бюджети маблаглари ҳисобидан амалга оширадиган корхона-ташкilot-ларга нисбатан таъбиқ этилмайди.

Банкротлик ҳақида сўз юритилар экан, аввало, ушбу тушунчанинг маъ-мун-моҳиятига тўхталсак. Банкротлик атамаси қадимги Италия-да пайдо бўлган бўлиб, италянчада "banca" — курси, ўриндик ва "rota" — синган, яъни синган курси деган маъ-нони англатади. Шимоллий Италиянинг савдо шаҳарлари — Генуя ва Венеция-да барча битимлар махсус қурилган би-ноларда амалга оширилган. Ҳар қайси уруғ, оила савдо уйларида ёғочдан ясал-ган курсига ёқа бўлиб, уруғ бошлиғи ёки унинг вакили ўша курсида ўтириб ўз битимларини тузган. Борди-ю, агар уруғ бошлиғи ўзининг молиявий маж-буриятларини бажара олмаса ёки но-чор аҳволга тушиб қолса, унинг курси-си халқнинг қўз олдиди синдирилган. Шу туйғайли уруғ бошлиқлари ўзлари-ни банкрот деб билганлар.

Юртимизда банкротлик атамаси илк мартаба Фуқаролик кодексида ўз акси-ни топти. Хусусан, Фуқаролик кодекси-нинг 26 ва 57-моддаларида юридик шахс ва яқна тартибдаги тадбиркорнинг бан-кротлиги тўғрисидаги норма белгилан-қўйилган. Бундан ташқари, банкротлик институти тартибга солуви асосий нор-матив-ҳўқуқий ҳўжат "Банкротлик тўғри-сида"ги Қонундир. Ушбу Қонун уч бо-сқинчи босиб ўтган янги тахрирда қабул қилинган қонун бўлиб, ўзининг биринчи ҳўқуқий асосига 1994 йил 5 майдаги "Банкротлик тўғрисида"ги Қонун орқали эга бўлди. Ушбу Қонун 35 моддадан таш-кил топан бўлиб, банкротлик ҳолатида юзага келадиган барча муносабатлари тартибга солмақ эди. Унда банкротлик аломатлари сифатида тўловга қобилият-сизлик ва қарздорнинг мажбуриятлари суммаси унинг мол-мулки йиғинидадан ошиб кетиши ёритилган бўлиб, яқна тар-тибдаги тадбиркорнинг банкротлиги на-зарда тутилмаган.

Иккинчи босқич 1998 йил 28 август-да янги тахрирда қабул қилинган Қонун билан белгиланади. Янги тахрирдаги Қонун қўллаб моддалар билан бойи-тилди. Мисол тариқасида, айрим тур-даги қарздорларнинг банкротлиги тўғрисидаги қоидалари ҳамда янги таом-ил сифатида — ташқи бошқарув қўшилди ва бу кредиторларнинг ҳўқуқларини янада кенгайтирди. Ушбу қонунда юридик ва яқна тартибдаги тад-биркор банкротлиги аломатлари ало-ҳида ажратиб қўрсатилди.

Қонуннинг учинчи босқичи 2003 йил 24 апрелда яна янги тахрирда эълон қилинди. Ушбу Қонун қолганларидан фарқи равишда 192 моддадан иборат бўлиб, банкротлик белгилари ва таом-илларига тегишли бўлган, тўловга қодир бўлмаган қарздорларнинг тўлов қобилиятини тиклашни мақсад қилиб қўйган қўллаб янги қоидаларни ўзида

муҳассамлаштирди. Мазкур қонунга янги банкротлик таомилларини ўзида ифода этган иккита янги боб киритил-ди: **кузатиш ва суд санақиси**. Шунингдек, барча банкротлик таомиллари суд бошқарувчилари томонидан амалга оширилиши, суд бошқарувчилари ҳўжа-лик суди томонидан тайинланиши ва назорат қилиниши белгилан қўйилган бўлиб, ушбу қонуннинг мақсади юри-дик шахслар ва яқна тартибдаги тад-биркорларнинг банкротлиги соҳасидаги муносабатларини тартибга солишдан иборатдир.

Мамлакатимизда амалда бўлган "Банкротлик тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасига кўра, банкротлик деганда — ҳўжалик суди томонидан эътироф этил-ган қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўла ҳажмда баҳармаслиги тушунилади.

Юридик адабиётларда "банкротлик" ва "иқтисодий ночорлик" атамалари ўртасидаги фарқ юзасидан бир қанча олимларнинг баҳар-мунозаралари ушбу тушунчанинг пайдо бўлишидан тартиб то ҳозирги қўнғача давом этиб келмоқ-да. Бир гуруҳ олимлар "иқтисодий но-чорлик" ва "банкротлик" тушунчалари бир хил маънони англатади, десалар, бошқа олимлар эса ушбу тушунчалар ўртасидаги фарқларини керак бўлган ҳолатларни келтириб ўтган.

"Банкротлик тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасида "банкротлик" ва "иқтисо-дий ночорлик" тушунчаларига ўзаро бир-бирига мувофиқ келадиган ҳўқуқий тер-минлар сифатида қаралган. Қозғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон ҳамда Россиянинг банкротлик тўғ-рисидаги қонун ҳўжатларида ҳам ҳудди шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Ара-манистоннинг банкротлик тўғрисидаги қо-нунда "иқтисодий ночорлик" тушунча-си умуман қўлланмаган, банкротлик эса тўловга лавқатсизлик тушунчасига тенг-лаштирилган. Молдова қонунчилигида эса аксинча, "банкротлик" тушунчаси ўр-нига "ночорлик" сўзи қўйилган.

Ўзбекистоннинг "Банкротлик тўғри-сида"ги қонунчилигида "банкротлик" ва "иқтисодий ночорлик" тушунчалари бир хил маъно касб этиши қўрсатиб ўтил-ган. Бизнингча, ривожланган мамлакат-лар таърихидаги ўрганган ҳолда қонун-чилигимизга "иқтисодий ночорлик" ва "банкротлик" атамалари моҳиятини аж-ратиб қўрсатиш мақсада мувофиқ. Бу ўринда қардор қорхонанинг судгага бўлган аҳолини ночор сўзи билан ифо-далаб, ҳўжалик суди қарори билан қор-хона банкрот деб эътироф этилган бўлса, қардор қорхонанинг банкрот деб топилишини ажратиб ифодаваш лоз-им. Зеро, "иқтисодий ночорлик" ата-

маси кенг мазмун касб этиб, муайян бир қорхона нафақат банкротлик иш юритувчи, балки ўз фаолияти давомиди тўлов қобилиятини йўқотиб, иқтисодий ночорликка юз тутиши мумкин. "Банк-рот" атамаси эса фақат суднинг ҳал қи-лув қароридан сўнг қорхонага нисба-тан қўлланиши мумкин. Қорхонанинг суд томонидан банкрот деб топилишидан асосий мақсад кредиторлар талаблари-ни қаноатлантирган ҳолда қорхонани тугатишдан иборат бўлади. Бундан таш-қари, "банкротлик" атамаси ночорлик-нинг жиний-ҳўқуқий томонини ҳам ўзида акс эттиради.

Иқтисодий ночорлик — қарздорнинг ўз мажбуриятини тўлай олмаслик ҳолати.

Мамлакатимизда банкротликни аниқ-лаш ишларида ҳўжалик судлари асосий ўрин эгаллайди. "Банкротлик тўғриси-да"ги Қонуннинг 5-моддасига кўра, "банкротлик тўғрисидаги иш банкротлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда, агар қардор юридик шахсга нисбатан жаъи талаблар энг кам иш ҳақи миқдо-рининг қамиди беш юз қаррасини таш-кил этадиган бўлса, қардор яқна тар-тибдаги тадбиркорга нисбатан эса энг кам иш ҳақи миқдорининг қамиди ўттиз қаррасини ташкил этадиган бўлса, ҳўжа-лик суди томонидан қўзғатилиши мум-кин"лиги ўз аксини топан. Бироқ ушбу ҳу-сусда юзага келувчи муаммолар на-фақат суд орқали, балки суд иштироки-сиз ҳам хал қилиниши мумкин. Бунда юзага келган барча ҳолатларни қардор билан кредитор ўртасидаги ўзаро муно-сабатлар аниқлайди. Қонунга кўра, ўз фаолиятини тугатган қардор яқна тар-тибдаги тадбиркор ёки тугатилмаётган юридик шахснинг раҳбари ҳозир бўлма-ган ва уларнинг турган жойини (яшаш жойини) аниқлашнинг имкони бўлмаган тақдирда, ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза, кредиторлик қарзи миқдоридан қатъи назар ариза берилиши мумкин.

Шу ўринда "Банкротлик тўғрисида"ги Қонуннинг 188-моддасида белгиланган "Ўз фаолиятини тугатган қардор яқна тартибдаги тадбиркор ёки тугатилмаётган юридик шахснинг раҳбари ҳозир бўлма-ган ва уларнинг турган жойини (яшаш жойини) аниқлашнинг имкони бўлмаган тақдирда, ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза, кредиторлик қарзи миқдоридан қатъи назар, кредитор, банкротлик тўғриси-даги ишлар бўйича давлат органи, дав-лат солиқ хизмати органи ёки бошқа ваколатли орган, шунингдек, прокурор томонидан берилиши мумкин", деган норманинг белгиланганлигига эътибор-ни қаратиш лозим бўлади.

Қайд этиб ўтиш керакки, мазкур со-ҳадаги қонунчиликнинг тақомиллашти-рилиши мазмун-моҳиятига кўра, йқти-содий ночор аҳволга тушиб қолган тад-биркорга ёрдам беришни, унинг иқти-содини соғломлаштириш чораларини қўллашни қўзғайди.

Фазалиддин ЁДҒОРОВ,
Тошкент шаҳар ҳўжалик
суду судьяси

МАНЗИЛИМИЗ:
100192, Тошкент ш.
уёқ Ипак йули кўчаси-1
Тел: 268-19-74,
Факс: 268-19-31
буна бўлими: 268-19-97